## Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ

# ИҚТИСОДИЁТНИНГ РЕАЛ СЕКТОРИ КОРХОНАЛАРИНИ ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ, УЛАРНИНГ БАРҚАРОР ИШЛАШИНИ ТАЪМИНЛАШ ВА ЭКСПОРТ САЛОҲИЯТИНИ ОШИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ДАСТУРИ ТЎҒРИСИДА

(Давоми. Боши 1-бетда).

этиш борасидаги қўшимча омиллар ҳамда ресурсларни сафарбар этиш чора-тадбирларини сўзсиз бажариш Вазирлар Маҳкамасининг, вазирликлар, идоралар, хўжалик бирлашмалари ва корхоналар раҳбарларининг энг муҳим вазифаси этиб белгилансин.

4. Иқтисодиётнинг реал сектори базавий тармоқлари корхоналарини қўллаб-қувватлаш, уларнинг барқарор ишлашини таъминлаш ва экспорт салоҳиятини ошириш чора-тадбирлари дастури амалга оширилишининг мониторинги ҳамда тизимли назоратини таъминлаш учун 2-иловага мувофиқ таркибда Ишчи гуруҳи тузилсин.

Ишчи гуруҳи (Р.С. Азимов):

мазкур Фармон билан тасдиқланган чора-тадбирлар Дастурининг амалга оширилиши устидан қаттиқ тизимли назоратни;

ушбу Фармон билан тасдиқланган чора-тадбирлар Дастурида назарда тутилган ҳукумат қарорлари ва дастурлар лойиҳалари ўз вақтида ишлаб чиқилиши ҳамда тасдиқлаш учун белгиланган муддатларда Вазирлар Маҳкамасига киритилишини;

жумладан, тармоқлар, минтақалар ва алоҳида корхоналар миқёсида қабул қилинган чора-тадбирлар натижаларининг мунтазам мониторинги ўтказилиши ва ҳар ойда кўриб чиқилишини;

дунёда нарх-наво ўсиши, жаҳон ва минтақа бозорлари коньюнктурасининг ўзгариши, иқтисодиёт ривожининг ички тенденциялари таҳлилидан келиб чиқиб, корхоналарнинг барқарор ва самарали ишлашини таъминлаш борасида қўшимча чора-тадбирлар кўриш бўйича таклифлар Вазирлар Маҳкамасига тезкорлик билан киритилишини таъминласин.

5. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимлари тасдиқланган чора-тадбирлар Дастурида назарда тутилган тадбирларнинг сўзсиз бажарилишини, шунингдек, экспортни кенгайтиришда, маҳсулотнинг рақобатбардошлигини ошириш ҳамда корхоналарнинг барқарор ишлашини таъминлашда иқтисодиётнинг реал сектори корхоналарига ҳар томонлама ёрдам кўрсатилишини таъминласин.

6. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки, тижорат банклари раҳбарлари зиммасига иқтисодиётнинг реал сектори корхоналарини молиявий қўллаб-қувватлаш бўйича ўз вақтида зарур чора-тадбирлар кўриш, уларнинг асосли буюртманомалари бўйича айланма маблағларни тўлдириш ва инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш учун кредит ресурсларини тезкор, шу жумладан, имтиёзли асосда ажратиб бериш юзасидан шахсий жавобгарлик юклансин.

7. Мазкур Фармоннинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири Ш.М. Мирзиёев зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти И. КАРИМОВ**

Тошкент шаҳри,
2008 йил 28 ноябрь

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ 2008 ЙИЛ 28 НОЯБРДА ҚАБУЛ ҚИЛИНГАН "ИҚТИСОДИЁТНИНГ РЕАЛ СЕКТОРИ КОРХОНАЛАРИНИ ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ, УЛАРНИНГ БАРҚАРОР ИШЛАШИНИ ТАЪМИНЛАШ ВА ЭКСПОРТ САЛОҲИЯТИНИ ОШИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ДАСТУРИ ТЎҒРИСИДА"ГИ ПФ-4058-СОНЛИ ФАРМОНИГА

# Ш А Р Ҳ

Ҳозирги вақтда жаҳон иқтисодиётида кўплаб мамлакатлар молия-иқтисодий кризисни бошдан кечираётган таҳликали вазият вужудга келди. Жаҳон молия ва товар бозорларида вазиятни барқарорлаштириш, банк тизимини ҳамда иқтисодиёт реал сектори корхоналарини қўллаб-қувватлаш йўллари изланмоқда.

Шуни қайд этиш жоизки, аввалги йилларда Ўзбекистон ҳукумати томонидан қабул қилинган конкрет чора-тадбирларнинг кенг комплекси иқтисодиётимизни жаҳон молия кризиси хатаридан муайян даражада ҳимоя этишга хизмат қилади. Иқтисодиёт таркибини аниқ мақсад йўлида такомиллаштириш таъминланмоқда, рақобатбардош тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқариш корхоналари фаол ташкил қилинмоқда, экспорт ҳажмлари муттасил ошириб борилмоқда ва унинг аввалги бир томонлама хомашёга йўналтирилганлиги бартараф этилмоқда. Асосан ички ресурс манбаларига таянувчи барқарор молия-банк тизими шакллантирилган.

Айни вақтда, энг аввало, жаҳон товар бозорлари конъюнктурасининг ёмонлашуви, рақобатнинг кескинлашуви каби бир қатор ташқи омиллар мавжудки, булар Ўзбекистон корхоналари томонидан экспорт қилинадиган айрим маҳсулот турларининг нархи ва ҳажмлари пасайиши орқали иқтисодиётимизга салбий таъсир ўтказмоқда.

Жаҳон молия-иқтисодий кризисининг салбий оқибатларини бартараф этиш, иқтисодий ўсишнинг макроиқтисодий мутаносиблиги ва барқарор суръатларини, иқтисодиёт тармоқларининг барқарор ишлашини таъминлаш, аҳоли бандлигига кўмаклашиш, экспорт қилувчилар, саноатнинг етакчи тармоқлари корхоналари ҳамда кичик бизнесни аниқ манзилли қўллаб-қувватлаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 28 ноябрдаги "Иқтисодиётнинг реал сектори корхоналарини қўллаб-қувватлаш, уларнинг барқарор ишлашини таъминлаш ва экспорт салоҳиятини ошириш чора-тадбирлари дастури тўғрисида"ги ПФ-4058-сонли Фармони қабул қилинди.

Фармонда мамлакатимиз иқтисодиёти реал секторида жаҳон молия кризисининг салбий оқибатлари нималар ҳисобига бартараф этилиши мумкинлиги ва бу борадаги ҳал қилувчи омиллар аниқ белгилаб берилган, ишлаб чиқаришни кейинчалик барқарор ўстириш ва ҳажмларини кенгайтириш, маҳсулот сотишнинг янги бозорларини ўзлаштириш асослари кўрсатилган.

Биринчи навбатда, бу – корхоналарда модернизация, техник ва технологик қайта жиҳозлаш ишларини амалга оширишдан иборат. Энг аввало, бу иқтисодиётнинг базавий тармоқларига, экспортга йўналтирилган ва импорт ўрнини босадиган маҳсулот ишлаб чиқарувчи корхоналарга тааллуқлидир. Корхоналар, бирлашмалар ва хўжалик юритувчи субъектлар раҳбарларининг диққат-эътибори ишлаб чиқаришни модернизациялаш, техник ва технологик қайта жиҳозлаш борасида қабул қилинган дастурларни амалга оширишни жадаллаштириш, энг илғор технологияларни жалб этиш, халқаро сифат стандартларига ўтиш зарурлигига қаратилганки, булар ташқи бозорларда ҳам, ички бозорларда ҳам барқарор ўрин эгаллаш имконини беради.

Хорижий иқтисодчиларнинг фикрича, ишлаб чиқаришни қайта жиҳозлаш ва янги технологияларни ўзлаштириш, бунинг ҳисобига энг кам чиқим билан сифатли рақобатбардош маҳсулот ишлаб чиқаришни таъминлаш чора-тадбирларини ўз вақтида кўрган мамлакатлар вужудга келган кризисдан нисбатан камроқ зарар билан чиқадилар.

Шу боисдан Фармонда базавий тармоқларни модернизациялаш борасидаги энг муҳим 11 та дастурни амалга оширишни жадаллаштириш, саноат корхоналарининг эскириб қолган ускуналари ва асосий фондларини жадал янгилаш, техник қайта жиҳозлаш лойиҳалари бўйича ускуналар харид қилиш буюртмаларини тезкорлик билан амалга ошириш, саноатда ва транспорт инфратузилмасида энг муҳим лойиҳаларни жорий этишни бошлаш ва уларни бажариш муддатларини камайтириш борасида қўшимча чора-тадбирлар назарда тутилган.

Мазкур тадбирларни амалга ошириш реал маблағ манбалари билан мустаҳкамланган – корхоналарнинг ўз маблағлари, банкларнинг кредитлари, шу жумладан, уларнинг капиталини сезиларли даражада кўпайтириш ҳисобидан бериладиган кредитлар, шунингдек, Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси ҳамда халқаро молия институтларининг кредитлари шулар жумласидандир.

Республика корхоналари томонидан экспорт қилинадиган бир қатор маҳсулот турлари бўйича жаҳон товар бозорларидаги жорий конъюнктуранинг кескин ёмонлашуви – бугунги кунда ғоят долзарб бўлиб турган масалалардан биридир.

Қайд этилган қийинчиликларни бартараф этиш мақсадида, Фармонда экспорт қилувчи корхоналарнинг ташқи бозорлардаги рақобатбардошлигини таъминлаш ва экспорт учун қўшимча омилларни яратишда уларни қўллаб-қувватлаш бўйича Ҳукумат томонидан аниқ чоралар кўриш назарда тутилган. Шу мақсадда экспорт қилувчи корхоналарга айланма маблағларини тўлдириш учун имтиёзли кредитлар ажратиш, уларга вақтинчалик солиқ имтиёзлари ва мавжуд кредиторлик қарзини реструктуризация қилиш имкониятини бериш мўлжалланмоқда.

Маҳсулотнинг рақобатбардошлигини таъминлаш нуқтаи назаридан қараганда, хусусан саноатнинг базавий тармоқларида ишлаб чиқариш харажатларини қатъий назоратга олиш ва иқтисод қилишнинг қаттиқ тартибини жорий этиш экспорт қилувчи корхоналар учун катта аҳамиятга эгадир. Шунинг учун ҳам Дастурда электр энергияси ва асосий коммунал хизматлар нархларининг асоссиз ошиб кетишига йўл қўймаслик, корхоналарда технологик жараёнларни рационализациялаш, материаллар ва энергия сарфини ҳамда бошқа сарф-харажатларни камайтириш ҳисобига маҳсулот таннархини камида 20 фоизга арзонлаштириш бўйича махсус чора-тадбирлар назарда тутилган.

Чора-тадбирлар Дастурида кўзда тутилганидек, электр энергетикани, ишлаб чиқариш тизимини, электр энергияни узатиш ва истеъмол қилишни кенг миқёсда модернизациялаш, энергия сарфини камайтириш ва энергияни тежаш тизимини татбиқ этиш ҳам иқтисодиётимизнинг рақобатбардошлигини оширишга йўналтирилгандир.

Шу билан бирга, чора-тадбирлар Дастурида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари фаолиятини янада ривожлантириш ҳамда рағбатлантиришга катта эътибор қаратилган. Бунинг учун кичик ва хусусий бизнесга тижорат банкларининг, шу жумладан, Имтиёзли кредитлаш жамғармасидан кредитлар беришни кенгайтириш, замонавий импорт ускуналар ва минитехнологиялар харид қилиш учун кредит линиялари очиш, шунингдек, бир қатор қўшимча солиқ имтиёзлари бериш назарда тутилган.

Уй-жой қурилиши ва, айниқса, якка тартибдаги уй-жойларни ҳисобга олган ҳолда, амалдаги уй-жой фондини таъмирлаш, тиклаш ва реконструкция қилиш чора-тадбирларининг ўзаро боғлиқ тизимини яратиш иқтисодиётни ривожлантириш ва аҳоли бандлигига кўмаклашишнинг муҳим омилидир. Фармонда мазкур йўналишда ихтисослашаётган ташкилотларни тузишни рағбатлантириш, уларга зарур замонавий ишлаб чиқариш-таъмирлаш базасини таркиб топтириш ва шакллантиришда ёрдам кўрсатиш назарда тутилган.

Мамлакатимизда озиқ-овқат маҳсулотларини ишлаб чиқаришни кенгайтириш бўйича Фармон билан тасдиқланган Дастурда белгилаб қўйилган қўшимча чора-тадбирлар ички манбалар ҳисобидан юртимизда озиқ-овқат хавфсизлигини таъминловчи ишончли захираларни яратиш имконини беради, бу эса жаҳон бозорларида асосий турдаги озиқ-овқат маҳсулотлари нархи ўсиб бораётган шароитда алоҳида аҳамиятга эгадир.

Корхоналарни модернизация қилишда, экспорт қилувчи корхоналар ва кичик бизнес субъектларини қўллаб-қувватлаш чора-тадбирларини амалга оширишда тижорат банкларининг муҳим ролини инобатга олган ҳолда, Фармонда банкларнинг реал сектор корхоналарини ўз вақтида молиявий қўллаб-қувватлашдаги жавобгарлигини оширишга алоҳида эътибор қаратилган.

Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан қабул қилинган ушбу Фармонда назарда тутилган чора-тадбирларни амалга ошириш жаҳон молия-иқтисодий кризиси шароитларида ҳам реал сектор корхоналарининг барқарор ишлашини, иқтисодиётнинг муттасил ва мутаносиб ўсишини таъминлаш ҳамда шу асосда мамлакатимизни янада барқарор ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш ва аҳоли турмуш даражасини ошириш вазифаларини тизимли, изчил ҳал этиш имконини беради.

**8 декабрь – Ўзбекистон Республикаси Конституцияси куни**

*Дунёдаги ривожланган демократик давлатларда ҳеч бир шахс, ҳеч бир фуқаро ўз ижтимоий-шахсий ҳаётини, ўз ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишни Конституциясиз тасаввур эта олмайди. Негаки, ҳар бир одам кундалик ҳаётида унда белгилаб қўйилган ҳуқуқ ва эркинликларга бевосита мурожаат қилади ҳамда ушбу Асосий Қонунга эркинликларини кафолатловчи юридик ҳужжат сифатида қарайди. Шунинг учун ҳам демократик жамиятда яшаётган шахс Конституциянинг мазмун-моҳиятини чуқур англаб олиши ҳамда шахсий ҳаётида учраб турадиган муаммоларнинг ечимини айнан Конституциядан топа билиши зарур.*

# ИМКОНИЯТ ВА ИМТИЁЗЛАРИМИЗ КАФОЛАТИ

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2001 йил 4 январда "Ўзбекистон Республикаси Конституциясини ўрганишни ташкил этиш тўғрисида"ги Фармойиши эълон қилинди. Дарҳақиқат, демократик тараққиётнинг бош омили мамлакатда Бош қомусимизни оммавий равишда ўрганиш ҳамда уни ҳаётга татбиқ қилишга боғлиқ. Шунинг учун давлатимиз раҳбари Ўзбекистон Республикаси Конституциясини болалар боғчасидан бошлаб ўрганиш, мактабларда дарслик тариқасида ўқитиш ҳамда олий ўқув юртларида махсус дарс сифатида ўрганишни вазифа қилиб қўйди. Натижада 2001 йил 1 сентябридан бошлаб мамлакатимизда узлуксиз таълимнинг асоси ҳисобланмиш Конституцияни ўрганиш боғчадан бошлаб то олий таълимнинг юқори босқичи ҳисобланадиган магистратурагача ташкил этилди. Зеро, Ўзбекистон Республикаси Конституциясини ўрганиш Ўзбекистон халқининг юксак ва масъулиятли бурчидир.




Асосий Қонунимизнинг 41-моддасидаги "Ҳар ким билим олиш ҳуқуқига эга" деган кафолатли жумла туфайли бугунги кунда ёшлар коллеж ва олий ўқув юртларида ўқимоқда, хорижий мамлакатлардаги нуфузли даргоҳларда таҳсил кўрмоқда. Илмий ва ижодий ишлар билан шуғулланмоқда. Мактаб ва институтларда ёшлар учун барча шарт-шароитлар мавжуд — оддий кутубхонадан тортиб замонавий компьютер тизимларигача талабалар хизматида. Бу имкониятларни уларга Конституция берди, бу имтиёзларни Президентимиз яратди.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясида халқимизнинг иродаси, руҳияти, онги ва маданияти акс эттирилган. Конституция халқнинг сиёсий донолиги ва тафаккури маҳсулидир. Конституция инсон ҳуқуқлари ва давлат мустақиллиги ғояларига садоқат, ҳозирги ва келажак авлодлар олдидаги юксак масъулиятини англаш, ўзбек давлатчилигининг тарихий тажрибасига таяниш, демократия ва қонунни ҳурматлаш, халқаро ҳуқуқнинг жаҳонда эътироф этилган қоидаларини тан олиш, Ўзбекистон фуқароларининг муносиб ҳаёт кечиришларини таъминлаш, инсонпарвар ҳуқуқий жамият барпо этиш, ва ниҳоят, фуқаролар тинчлиги ва миллий ҳамжиҳатликни кафолатлаш, мамлакатимиз ҳар бир фуқаросининг ҳуқуқ ва бурчларини таъминлаш каби олижаноб мақсадларни кўзлайди.

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ўзида энг илғор ғояларни акс эттирган ва шу билан бирга тарихда синалган умумбашарий ҳуқуқий қадриятларини ўзида мужассам этган ҳужжатдир. Конституциямиз ривожланган, тараққий этган давлатларнинг тарихий тажрибасига таянган ҳолда яратилган. У дунё миқёсида ҳам ҳар қандай илғор давлат Конституцияси билан бемалол куч синаша олади.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 44-моддасида "Ҳар бир шахсга ўз ҳуқуқ ва эркинликларини суд орқали ҳимоя қилиш, давлат органлари, мансабдор шахслар, жамоат бирлашмаларининг ғайриқонуний хатти-ҳаракатлари устидан судга шикоят қилиш ҳуқуқи кафолатланади". Ушбу конституциявий норма Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодекси, Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик процессуал кодекси, Хўжалик-процессуал кодекси ва бошқаларида ривожлантирилиб, 1995 йил 30 августда "Фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини бузадиган хатти-ҳаракатлар ва қарорлар устидан судга шикоят қилиш тўғрисида"ги, 2002 йил 13 декабрда "Фуқароларнинг мурожаатлари тўғрисида"ги қонунларнинг қабул қилинишига туртки бўлди.

Конституциямизда ҳокимият билан шахснинг ўзаро муносабатларини, давлат идоралари тизимининг фаолият юритишини тартибга солувчи, фуқароларнинг ҳуқуқий мақомини, шунингдек, жамиятнинг бошқа ижтимоий тузилмалари ҳолатини белгиловчи ҳуқуқий нормалар йиғиндиси ўз ифодасини топган.

Конституциямиз — шу муқаддас заминимизда истиқомат қилаётган инсонларнинг дунёқарашини, уларга хос ўзаро муносабатларни, хусусиятларни, меҳр-оқибат, одамийлик, ўзга миллат ва элатларга нисбатан ҳурмат, илму фанга интилиш, ор-номус, иффат ва ҳаё каби эзгу фазилатларни ўзига асос қилиб олгандир.

**Нодир ХАЙРИЕВ,**
**Тошкент давлат юридик институти ўқитувчиси.**
**Ғулом ҲАСАНОВ,**
**магистрант.**



# Кўрик-танлов ғолиблари

***Яқинда Наманганда "Конституция — буюк келажагимизнинг ҳуқуқий кафолати" кўрик-танлови ўтказилди.***

Унда бир қатор жамоалар ғолиблик учун кураш олиб борди. Ғалаба адлия бошқармасининг "Истиқлол" жамоасига насиб этди. Ҳозирда мазкур жамоа аъзолари кўрик-танловнинг республика босқичига муносиб тайёргарлик кўрмоқда. Зеро, бахтимиз қомуси ва порлоқ келажагимизнинг ҳуқуқий кафолати бўлган Конституциямизни ўрганиш, тарғиб қилишда шу каби кўрик-танлов ва тадбирлар қўл келади.

**СУРАТДА:** "Истиқлол" жамоаси фаолиятидан лавҳа.

**Ҳотам МАМАДАЛИЕВ (ЎзА) олган сурат.**

# САМИМИЙ УЧРАШУВЛАР, ФОЙДАЛИ МУЛОҚОТЛАР

(Давоми. Боши 1-бетда).

Сайхунобод туманида белгиланган учрашувга бораётиб, тўй устидан чиқдик. Фермер хонадонига келин тушаётган экан! Хурсандчилик, тўкин дастурхон, қувноқ чеҳраларни кўрган кишининг дили равшан тортади. Сайхунободлик деҳқонлар ҳар қанча тўй қилсалар арзийди. Ахир туман меҳнаткашлари жорий йилда ғалла ва пахта топшириш режаларини шараф билан адо этдилар. Юз ёруғ бўлгани бир қувонч бўлса, рўзғор дон-дун ва баракали насибага тўлгани яна бир қувонч! Деҳқонлар кеч кузнинг ғаниматли кунларидан ҳам унумли фойдаланмоқдалар. "Далаларимизда ер пўрсиллаб, кўпчиб турибди, ҳайдаган саринг ҳайдагинг келади, толиқиш нима эканини билмайсан!" дейди забардаст тракторчилардан бири.

Тумандаги касб-ҳунар коллежи биносидаги учрашувга ёшлар, ўқитувчи ва мураббийлар йиғилишди. Табиий, мавзу "Ёшлар йили" ва навқирон авлоднинг эртанги порлоқ истиқболи ҳақида борди. Давлатимиз раҳбарининг ёшларимизга бўлган ғамхўрлиги, жумладан, давлат бюджетидан "Ёшлар йили" Давлат дастурига кўра салмоқли маблағлар ажратилгани, яратилаётган шарт-шароитларда фарзандларимиз ҳеч кимдан кам бўлмаган, ҳаётнинг энг олдинги марраларида боришга қодир кадрлар сифатида улғайишлари учун барча шарт-шароитлар муҳайёлиги эътироф этилди.

— Мен коллежни аъло баҳоларга битириб, олий ўқув юртига ўқишга кираман! — деди Дилбар исмли қиз.

— Мен малакали ҳисобчи — бухгалтер бўлиб ишлашни орзу қиламан! — деди Ўткир исмли йигитча.

Яхши ният ва астойдил изланиш-интилиш муқаррар камолга етказади, дея ёшларимизга тилакдош бўлдик.

Сардоба туманида эса "Зомин" фуқаролар йиғини оқсоқоли муқобиллик асосида сайланиши жараёнининг гувоҳига айландик. Одамларнинг бу сайловга бўлган эътибори, сайланажак номзод хусусида астойдил жон койитиб фикр-мулоҳазалар айтишлари, жойларда ушбу сайлов кампаниясига наҳадар жиддий ёндашилаётганидан далолат бериб турарди. Йиғилишни олиб бораётган ваколатли вакил номзодларнинг исм-шарифини эълон қилди, уларнинг ҳар бири ҳақида фуқаролар, маҳалла-кўй фаоллари ўзларининг қарашларини эмин-эркин баён этишди ва очиқ-ошкор овоз бериш йўли билан янги оқсоқол сайланди. Бу билан иш битгани йўқ, балки оқсоқол маслаҳатчилар "жамоаси"ни ҳам номма-ном таништириб, йиғилганлар билан кенгашли иш тутди. Фуқаролар йиғини фаоллари, етакчилари ва аҳоли ўртасидаги якдиллик, ҳамжиҳатлик келгусида бартараф этилиши зарур бўлган муаммолар юзасидан кенгашиб олиш чоғида ҳам яққол кўзга ташланиб турди.

— Мен асли ўқитувчиман, — дедилар оппоқ соқоли кўксини безаб турган кекса отахон вазминлик билан, — эллик йилдан кўпроқ мактабда ёшларга таълим бердим. Энди нафақадаман, шу, ҳар сафар телевизорда сизлар ишлайдиган бинони кўрсатишганида кўнглим бир суст кетади-да! Бизлар, беш-олти бобой қишлоқдан йиғилишиб бориб, шу кўркам бинони, яна масалан, Ҳасти Имом мажмуасини зиёрат қилсак бўлармикан?

Давра самимий жонланди, йиғилганлар савол берувчига, бизга қарашди. Ўзимиз ҳар куни кириб чиқадиган муҳташам бино — иш жойимиздан фахрланиб кетдик. Буни яширмадик, Тошкентда мустақиллик йилларида бевосита муҳтарам Юртбошимиз ташаббуси ва кўрсатмалари асосида барпо этилган бири-биридан муҳташам бинолар, иншоотлар, мажмуалар ва ҳайкаллар кўплигини, вилоятлардан гуруҳ-гуруҳ ёшлар, катталар пойтахтга ташриф буюриб, улардан баҳра олишларини сўзлаб бердик.

Мана шундай шодумон кунларга етишганимиз Асосий Қонунимиз — Конституцияда белгилаб берилган асл инсоний қадриятлар, тамойиллар шарофати эканлиги таъкидланди, қишлоқ оқсоқоллари эзгу ниятлар билан дуога қўл очиб, бизларга оқ йўл тилашди. Халқимизнинг эзгу ниятларга бой оппоқ тилаклари кўнгилларни тоғ қилажагига яна бир карра амин бўлдик.

**Х. ДЎСТМУҲАМЕДОВ,**
**С. ЖАББОРОВ,**
**Ф. ҲОТАМОВ,**
**Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари.**

***Ҳазрат Навоий инсонни ҳайвондан ажратиб турадиган ва уни ҳамиша азизу мукаррам этган омиллардан бири — меҳнатдир, деб лутф этадилар. Зеро, меҳнат дунёдаги барча шодлик ва эзгуликларнинг манбаидир. Ҳар қандай бахт кошонасининг эшиклари фақат ва фақат меҳнат калити билан очилади. Бугунги кунда боболаримизнинг заковати билан чароғон бўлиб турган дунё тиббиёти, фалакиёти, илми ҳандасаси ҳам бемисл меҳнат ва заҳматлар ҳосиласидир. Меҳнат орқали ҳалол яшаш тарзи аждодларимиздан бизгача етиб келган муқаддас меросдир. Шу туфайли ота-боболаримизнинг ҳар бир сўзи, мақоли меҳнат ва ҳалоллик завқи билан зийнатланган. Аниқроғи, ўзбекнинг ҳимматида ҳам, ҳикматида ҳам ҳалоллик ва меҳнат мужассамдир.***

# АЛДОВ

Ҳа, меҳнат қилган элда азиз. Меҳнат инсонни шарафлайди, уни улуғ мартабалар сари етаклайди. Афсуски, орамизда меҳнатга бўйни ёр бермайдиган баъзи кимсалар ҳам борки, узоқдаги сароб уларнинг кўзларига жаннат бўлиб кўринади, бир тоғ ошса, бир чегарадан ўтса, нариёғи худди эртаклардагидек тўкин ва текин ҳаёт деб тасаввур қилади. Ўз ҳақ-ҳуқуқини билмаслик, ноқонуний тарзда хорижий давлатларга бориб ишлаш ва мўмай даромад топиш орзу ва илинжи уларни бора-бора қуллик гирдоби сари етаклайди.

Минг таассуфлар бўлсинким, бугунги кунда ўзга жойларда осонгина бойиб кетишни истаганлар ўз юртларига кўзларида ёш билан майиб ва мажруҳ бўлиб қайтмоқдалар. Энг ёмони, улар одамфурушларнинг тузоғига осонгина илинишмоқда.Одам савдоси билан шуғулланувчи ва шу орқали мўмай даромад олаётганлар чет элдан ёғли иш жойи, мўмай даромад ваъда қиладилар, бутун харажатларини ўз ёнидан сарфлайдилар. Одамлар, айниқса, ёшлар ширин ёлғонларнинг қулига айланганларини пайқамай ҳам қоладилар.

Бугунги кунда дунёда оғриқли муаммога айланган одам савдоси жиноятчилик оламининг йирик халқаро бизнесига айланиб бораётир. БМТ маълумотларига кўра, биргина аёллар билан товар сифатидаги дунёвий савдо кўлами йилига 7 миллиард долларга баҳоланмоқда. Халқаро мутахассисларнинг фикрича, ҳар йили одам савдогарлари қўлига 2 миллионгача «товар» тушади. Уларнинг катта қисмини жинсий эксплуатация мақсадида чет элга олиб чиқилаётган аёллар ташкил этади.

Бўкалик Азиза, жиззахлик Насиба, қаршилик Дилноза, қўқонлик Нодира, ангренлик Олеся ҳам одам савдоси билан шуғулланувчи жиноий гуруҳ аъзоларининг қармоғига илинишди. Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш бош бошқармаси (ҲООББ) ходимларининг маълумотларига кўра, бундан икки ой бурун тўрт киши — уч йигит ва бир аёлдан иборат жиноий гуруҳ қўлга олинди. Улар Ўзбекистон фуқароларини авраб, Қозоғистондаги ҳамтовоқларига сотиш билан шуғулланган. Улар ҳар бир «товар» учун 30 минг тенге пул олишган.

Азизанинг айтишича, дугонаси Насиба иккаласи Тошкентда жиноий гуруҳ аъзолари Ҳабиба ва Рустам билан танишиб қоладилар. Улар қизларни Келесга ўрдак-шўрва ичгани олиб боради. Яхши овқатланишади, аммо қизлар бирин-кетин ҳушдан кета бошлайди. Чунки идишдаги кола ичимлигига психотроп модда қўшилган эди. Қизлар ўзларига келишса, Рустам қозоқ йигитлар билан савдолашаётган экан. Савдо Қозоғистон Республикасининг Чимкент вилоятида бўлаётганди. Улар чегарани айланма йўллар орқали ноқонуний кесиб ўтишган эди. Бироздан сўнг Рустам уларни ўша йигитларнинг қўлига топширади. Қизларнинг доду фарёдини ҳеч ким эшитмайди. Уларни карвонсаройга ўхшаш жойга олиб боришади. Бу ерда эса ўзларига ўхшаш яна йигирма чоғли турли миллатдаги қизлар ҳам бор эди. Улар тинимсиз келадиган меҳмонларга хизмат қилиши лозим эди...

*— **К**енжамнинг ортидан излаб, Қозоғистонга бордим, — дейди адашганлардан бирининг отаси Қобил бобо. — Уларни уч кун излаб, биласизми қаердан топдим — молхонадан. Аниқроғи, ўзбекнинг молхонаси ҳам ўғлим ва унинг тўрт-беш тенгқури яшаб турган жойдан тозароқ. Уларни роса койидим, ўзимни тутолмасдан шапалоқ ҳам тортиб юбордим. Ўзбекнинг ори қаерда қолди, номуси қаерда қолди? Кейин билсам, уларнинг ўзлари ҳам тавбасига таяниб, қочиб кетишнинг-да чорасини тополмай туришган экан. Чунки ўртадаги одам уларни сотиб жуфтакни ростлаган, янги хўжайин эса йигитларнинг ҳужжатларини олиб қўйиб, қулдек ишлатаётган экан. Тўғри, ўғлимнинг хорижга чиқиб ишлаш нияти борлигини сезгандим. Дастлаб унга "Қўй шу ниятингни, мана қишлоғимизда ғишт заводи очилди, яхшигина маош тўлашаётган экан, шу ерга кир, ишла", дедим. Меҳнатга бўйни ёр бермади. Гўё четда ишлаб бойиб кетадигандай тўрт-беш алдоқчининг ортидан чопди. Мана, оқибати нима бўлди, врачлар оғир шароитда, совуқда ишлаган ўғлимнинг бир буйрагини олиб ташлашди. Энди у тенгқурлари ўйнаб-кулиб меҳнат қилаётган ўша ғишт заводида ҳам ишлаёлмайди — ногирон бўлиб қолган.*

Отахон гапини охиригача етказа олмади, кўзларидан оққан ёш томоғини бўғиб қўйди, шекилли, тескари бурилиб, оғир сукутга чўмди. Отахоннинг елкалари титрарди — унинг бутун вужуди йиғларди...

Россия телеканалларидан бирининг хабар беришича, бундан уч ойча муқаддам Москва вилояти Раменский туманида яна бир жиноий гуруҳ қўлга олинади. Ўзбекистоннинг 50 дан ортиқ алданган фуқаролари узоқ муддатдан буён шу ерда сақланаётган экан. Уларнинг паспортлари тортиб олиниб, базадан ташқарига чиқиш мутлақо тақиқланган экан. Тутқундагилар озиқ-овқат омборининг ертўласида антисанитария шароитда яшашга мажбур этилган, 12–14 соатдан ишлашган, аммо мутлақо иш ҳақи берилмаган. Улар тинимсиз калтаклаб турилган, аёлларни эса таҳқирлашган, зўрлашган. Хабарда айтилишича, жиноий гуруҳ устидан Россия Федерацияси қонунчилиги бўйича жиноят иши очилган.

Телеахборотда фарғоналик, андижонлик, самарқанду наманганлик юртдошларимизнинг номлари ҳам тилга олинди. Номус юки биз тингловчиларнида хижолат қилди. Тоғни урса талқон қиладиган 30–40 ёшдаги бу йигитларнинг, фарзандларини бировларнинг қўлига ташлаб кетиб, алданган ва хўрланган аёлларимизнинг қилмиши бизни уялтирди.

Бундай нохуш хабарларни эшитган қўшработлик Шоди бобо чидаб туролмади:

— Ҳайф-е ўшаларга, ишлайман десанг қишлоқда иш камми? Бели салгина меҳнатга қайишган одамнинг косаси оқаряпти-ку, ахир. Буларнинг бари ишёқмасликдан. Боболаримиз айтишарди, барака узоқдаги донда эмас, яқиндаги сомонда деб. Ахир пулни сен топасан, пул ҳали ҳеч кимни излаб топган эмас. Ўзга юртнинг патиридан ўз элингнинг кўмачи яхши. Ёшларни меҳнатга ўргатишимиз керак. Ахир ота-боболаримизнинг суяги меҳнатда қотган. Борига қаноат қилиб яшашган.

— Одам савдоси билан шуғулланувчиларнинг алдаш усуллари турлича, — дейди ИИВ ҲООББ бўлим бошлиғи, под-

**Огоҳлик**

полковник Алтинбек Акимов. — Масалан, ёлловчилар уларнинг ҳужжатларини ривожланган мамлакатларга ўқиш ва малака ошириш учун деб расмийлаштирадилар, бу ҳақда қалбаки ҳужжатлар тўплайдилар. У давлатда эса аслида ҳеч қанақа ўқув курслари бўлмайди, чегарадан ўтиши билан ҳужжатлари олиб қўйилади ва улардан даромад топиш мақсадида турли йўллар билан мажбурий эксплуатация қилинади. Худди шундай ҳол саёҳат учун хориж сафарларига чиқиш истагида бўлганлар учун ҳам қўлланилиши мумкин. Чегарадан қонуний тарзда ўтганларидан сўнг яна ўша усул танланади. Шахсини тасдиқловчи ҳужжатларнинг йўқлиги, белгиланган давлатлардаги элчихона ва консулликлардан рўйхатдан ўтмаган, доимий равишда назорат остида турган аёллар ва қизлар уларни ушбу давлатга олиб келиш учун

**Мамлакатимизда Жазоир Халқ Республикасининг Миллий Халқ Ассамблеяси депутати Абдулқодир Бунекраф бошчилигидаги делегация меҳмон бўлди.**

### Ўзбекистон — Жазоир:

# ИЗЧИЛ ҲАМКОРЛИК АСОСЛАРИ

Биз ва жаҳон

Ташриф доирасида Ўзбекистон Республикасининг Олий Мажлиси Сенати ва Қонунчилик палатаси, Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги, Ташқи ишлар вазирлиги, Савдо-саноат палатасида учрашувлар бўлиб ўтди.

Жазоир Халқ Республикаси Африка қитъасининг шимолида жойлашган. Мамлакат Тунис, Ливия, Марокаш, Мавритания, Нигер, Мали ва Ғарбий Сахара билан чегарадош, аҳолиси 33,7 миллион киши. Жазоир иқтисодиётида нефть-газ саноати етакчи ўрин эгаллайди. Шу билан бирга мамлакатда тоғ-кон, енгил ва озиқ-овқат саноати фаол ривожланиб бормоқда. Расмий маълумотларга кўра, Жазоир нефть қазиб олиш бўйича дунёда 14-ўринда, газ қазиб олиш бўйича эса 7-ўринда туради. Айни пайтда мамлакат бюджетининг 60 фоизи, ЯИМнинг 30 фоизи, экспорт даромадларининг 95 фоизи ана шу икки соҳа ҳиссасига тўғри келади.

Ўзбекистон Республикаси билан Жазоир ўртасидаги дипломатия муносабатлари 1992 йилда ўрнатилган. Бугунги кунда жўғрофий жиҳатдан бир-биридан анча олисда жойлашишига қарамасдан, икки мамлакат ҳам турли соҳалар, жумладан, парламентлараро икки томонлама муносабатларни ривожлантириш борасида эътиборга молик саъй-ҳаракатларни амалга оширмоқда. Жазоир делегациясининг мазкур ташрифи ушбу соҳадаги муносабатларни кенгайтиришнинг янги имкониятларини очиб, келгусида сиёсий, иқтисодий, маданий-гуманитар соҳалардаги алоқаларни ривожлантиришга туртки беради.

Мамлакатларимиз таълим, фан ва маданият соҳаларидаги ҳамкорлик борасида ҳам бирмунча тажрибага эга. Турли йилларда юзлаб жазоирлик талабалар Ўзбекистон олий ўқув юртларида таҳсил олган.

Жазоир Ўзбекистоннинг ислом цивилизациясига қўшган ҳиссасини юқори баҳолайди. 2007 йилда Тошкент ва Самарқанд шаҳарларида бўлиб ўтган Тошкентнинг ислом маданияти пойтахти деб эълон қилинишига бағишланган "Ўзбекистоннинг Ислом цивилизацияси ривожига қўшган ҳиссаси" мавзуидаги конференцияда Жазоир вакиллари ҳам иштирок этган.

Ташриф давомида Жазоир делегацияси раҳбари Абдулқодир Бунекраф «Жаҳон» ахборот агентлиги мухбири билан суҳбатда бўлди.

«Ўзбекистон парламентининг таклифига биноан юртингизга ташриф буюриш имконига эга бўлганимиздан мамнунмиз, — деди жазоирлик депутат. — Ушбу ташриф бизга Ўзбекистоннинг замонавий ҳаёти билан яқинроқ танишиш имкониятини берди. Икки мамлакат ўртасидаги муносабатлардан кўп асрлик тарихга эга эканидан далолат берувчи маълумотлар талайгина. Жазоирликлар Ўзбекистонни Имом ал-Бухорийнинг ватани сифатида яхши билишади ва юртингиз халқига чуқур ҳурмат ва эҳтиром билан муносабатда бўлишади. Шу билан бирга Амир Темур давлати тарихини ёзган ўрта асрларнинг таниқли тарихчиси Ибн Холдун жазоирлик бўлган. Бизни ягона дин, ўхшаш анъаналар яқинлаштириб туради. Бу эса, ўз навбатида, келгусида мамлакатларимиз ўртасидаги кўп томонлама муносабатларни ривожлантиришнинг асоси бўлади.

Ўзбекистон билан Жазоир БМТ ва Ислом конференцияси ташкилоти доирасидаги кўпгина минтақавий ва халқаро масалалар бўйича ўхшаш ёндашувларга эга. Шу маънода мамлакатларимизнинг минтақавий ва халқаро сиёсат соҳаларидаги долзарб масалалар бўйича ўхшаш нуқтаи назарга эга экани музокаралар жараёни ҳамда делегациялар алмашишни фаоллаштириш имкониятини беради.

Бизда конструктив сиёсий мулоқотни йўлга қўйиш ва савдо-иқтисодий алоқаларнинг самарали моделини яратишга тўсқинлик қиладиган омиллар йўқ. Бўлиб ўтган учрашувлар чоғида биз мамлакатларимиз ўртасида муносабатларимизни янада мустаҳкамлаш ва янги ўзаро манфаатли алоқаларни йўлга қўйиш борасида ҳали фойдаланилмаган салоҳият мавжудлигига амин бўлдик. Ўзбекистон хорижий сармоядорлар учун кенг шарт-шароитлар яратилган, улкан иқтисодий имкониятларга эга бўлган мамлакатдир. Фикримча, мамлакатларимизнинг тажрибасини инобатга олган ҳолда нефть ва газ соҳасида ўзаро манфаатли алоқаларни йўлга қўйиш савдо-иқтисодий ҳамкорлигимизнинг муҳим бўғинларидан бири бўлади.

Биз мазкур ташриф мамлакатларимиз ўртасидаги узоқ муддатли ва аниқ мақсадларга йўналтирилган муносабатларнинг мустаҳкамланишига хизмат қилади, деб умид қиламиз».

**Зафар АБДУҒАФФОРОВ, «Жаҳон» АА.**

IPOTEKA BANK

## Ипотека-банкнинг «Мустақил юрт»

**ютуқли омонати бўйича 2008 йил 15 ноябрда Тошкент шаҳрида ўтказилган ютуқлар тиражининг**

**РАСМИЙ ЖАДВАЛИ**

| № | Ютуқ миқдори | Ҳисоб-варақ коди | Вилоят филиали | Туман (шаҳар) филиали | Жамғарма касса рақами | Омонат ҳисобрақами |
|---|---|---|---|---|---|---|
| 1. | 893 352 | 84 | Тошкент вилояти | Оҳангарон филиали | № 3 | 20606975-77 |
| 2. | 402 009 | 242 | Самарқанд вилояти | Самарқанд филиали | № 1 | 20606975-47 |
| 3. | 402 009 | 26 | Тошкент вилояти | Оҳангарон филиали | № 3 | 20606975-110 |
| 4. | 238 227 | 342 | Тошкент шаҳар | Амалиёт бошқармаси | № 1 | 20606975-1 |
| 5. | 238 227 | 259 | Жиззах вилояти | Жиззах филиали | № 5 | 20606975-1 |
| 6. | 238 227 | 157 | Андижон вилояти | Андижон филиали | № 1 | 20606975-10 |
| 7. | 156 337 | 299 | Тошкент шаҳар | Меҳнат филиали | № 14 | 20606975-2 |
| 8. | 156 337 | 176 | Сурхондарё вилояти | Сурхондарё филиали | № 13 | 20606975-5 |
| 9. | 156 337 | 244 | Тошкент вилояти | Оҳангарон филиали | № 3 | 20606975-88 |
| 10. | 156 337 | 205 | Тошкент шаҳар | Меҳнат филиали | № 10 | 20606975-1 |
| 11. | 89 335 | 50 | Андижон вилояти | Андижон филиали | № 1 | 20606975-27 |
| 12. | 89 335 | 22 | Тошкент вилояти | Чирчиқ филиали | № 2 | 20606975-46 |
| 13. | 89 335 | 125 | Тошкент вилояти | Оҳангарон филиали | № 3 | 20606975-100 |
| 14. | 89 335 | 302 | Самарқанд вилояти | Самарқанд филиали | № 1 | 20606975-20 |
| 15. | 89 335 | 88 | Тошкент вилояти | Чирчиқ филиали | № 17 | 20606975-3 |
| 16. | 89 335 | 165 | Тошкент вилояти | Бекобод филиали | № 10 | 20606975-31 |
| 17. | 50 251 | 40 | Тошкент вилояти | Оҳангарон филиали | № 3 | 20606975-87 |
| 18. | 50 251 | 304 | Тошкент вилояти | Чирчиқ филиали | № 2 | 20606975-39 |
| 19. | 50 251 | 115 | Тошкент вилояти | Оҳангарон филиали | № 3 | 20606975-65 |
| 20. | 50 251 | 247 | Наманган вилояти | Наманган филиали | № 1 | 20606975-16 |
| 21. | 50 251 | 335 | Тошкент вилояти | Бекобод филиали | № 10 | 20606975-4 |
| 22. | 50 251 | 284 | Тошкент вилояти | Чирчиқ филиали | № 2 | 20606975-32 |
| 23. | 50 251 | 315 | Самарқанд вилояти | Самарқанд филиали | № 1 | 20606975-19 |
| 24. | 50 251 | 257 | Наманган вилояти | Наманган филиали | № 7 | 20606975-1 |
| 25. | 31 267 | 149 | Андижон вилояти | Андижон филиали | № 1 | 20606975-6 |
| 26. | 31 267 | 327 | Тошкент вилояти | Чирчиқ филиали | № 2 | 20606975-16 |
| 27. | 31 267 | 309 | Қашқадарё вилояти | Шаҳрисабз филиали | № 1 | 20606975-3 |
| 28. | 31 267 | 323 | Самарқанд вилояти | Самарқанд филиали | № 1 | 20606975-37 |
| 29. | 31 267 | 312 | Тошкент вилояти | Чирчиқ филиали | № 2 | 20606975-26 |
| 30. | 31 267 | 60 | Тошкент вилояти | Чирчиқ филиали | № 2 | 20606975-56 |
| 31. | 31 267 | 111 | Тошкент шаҳар | Чилонзор филиали | № 32 | 20606975-2 |
| 32. | 31 267 | 339 | Тошкент вилояти | Чирчиқ филиали | № 2 | 20606975-54 |
| 33. | 31 267 | 99 | Тошкент шаҳар | Меҳнат филиали | № 11 | 20606975-2 |
| 34. | 31 267 | 320 | Тошкент вилояти | Оҳангарон филиали | № 3 | 20606975-93 |
| 35. | 11 167 | 278 | Тошкент вилояти | Чирчиқ филиали | № 2 | 20606975-11 |
| 36. | 11 167 | 338 | Тошкент шаҳар | Амалиёт бошқармаси | № 19 | 20606975-3 |
| 37. | 11 167 | 16 | Тошкент вилояти | Чирчиқ филиали | № 2 | 20606975-35 |
| 38. | 11 167 | 326 | Самарқанд вилояти | Самарқанд филиали | № 1 | 20606975-24 |
| 39. | 11 167 | 308 | Тошкент вилояти | Чирчиқ филиали | № 24 | 20606975-2 |
| 40. | 11 167 | 225 | Навоий вилояти | Зарафшон филиали | № 4 | 20606975-2 |
| 41. | 11 167 | 206 | Наманган вилояти | Наманган филиали | № 1 | 20606975-18 |
| 42. | 11 167 | 137 | Самарқанд вилояти | Самарқанд филиали | № 1 | 20606975-33 |
| 43. | 11 167 | 329 | Тошкент шаҳар | Чилонзор филиали | № 33 | 20606975-1 |
| 44. | 11 167 | 49 | Сурхондарё вилояти | Сурхондарё филиали | № 13 | 20606975-3 |
| 45. | 11 167 | 264 | Тошкент вилояти | Оҳангарон филиали | № 3 | 20606975-86 |
| 46. | 11 167 | 251 | Бухоро вилояти | Бухоро филиали | № 9 | 20606975-3 |
| 47. | 11 167 | 260 | Самарқанд вилояти | Самарқанд филиали | № 1 | 20606975-9 |
| 48. | 11 167 | 152 | Тошкент вилояти | Оҳангарон филиали | № 3 | 20606975-71 |
| 49. | 11 167 | 8 | Тошкент вилояти | Чирчиқ филиали | № 17 | 20606975-4 |
| 50. | 11 167 | 303 | Андижон вилояти | Андижон филиали | № 1 | 20606975-9 |

Хизматлар лицензияланган.

*Сизнинг омонатларингиз Фуқароларнинг банклардаги омонатларини кафолатлаш фонди томонидан кафолатланган.*

1790Н/1837

**Республика Кўчмас мулк биржаси 15 ёшда!**

**«РЕСПУБЛИКА КЎЧМАС МУЛК БИРЖАСИ» ЁАЖ**

**бошланғич баҳоси ошиб бориш тартибида бўлиб ўтадиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади!**

**Аукцион савдосига такроран, Тошкент шаҳар Юнусобод тумани суд ижрочилари бўлими томонидан 2008 йил 28 ноябрда тақдим қилинган, Тошкент шаҳар хўжалик судининг 2008 йил 15 августдаги 10-0817/7135 (17), 10-0817/7136 (17) ва 2008 йил 19 августдаги 10-0805/7174, 10-0810/7124-сонли ижро варақаларига асосан хатланган, Юнусобод тумани, Амир Темур шохкўчаси, 60-«А» уйда жойлашган, «Ўзбеккишлоқсавдо» МЧЖга тегишли, 1974 йилда қурилган, майдони 12004 кв.м. бўлган, А, Б, В блоклардан иборат «Кооператорлар уйи» биноси, мол-мулклари билан бирга жамланма (комплекс) ҳолатда сотиш учун қўйилмоқда.**

**Бошланғич баҳоси — 6 270 185 030 сўм.**

Аукцион савдоси 2008 йил 16 декабрь куни соат 11.00 да бўлиб ўтади.

Мол-мулклар билан суд ижрочилари бўлими вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин.

Аукцион савдоларида иштирок этиш учун талабгорлардан аризаларни қабул қилиш аукцион савдосига бир кун қолганда тўхтатилади.

Мазкур савдода қатнашиш истагидаги талабгорлар савдо ташкилотчиси билан тузилган закалат келишувга асосан мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда савдо ташкилотчиси — РКМБнинг АТИБ «Ипотекабанк»и Собир Раҳимов филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20210000500571452105, МФО 00901, ИНН 200933850.

**Манзил: Тошкент шаҳри, Собир Раҳимов тумани, М. Ўрозбоев кўчаси, 1-«А» уй. Телефон: 228-79-52. www.rkmb.uz**

*Лицензия: DB 001 № 000004.*

**САВДОЛАРГА МАРҲАМАТ!**

1739Й/1822

**Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги**

**«ALOQALOYIHA» давлат унитар корхонаси**

**қуйидаги вакант лавозимларга ишга таклиф этади:**

**архитектура-қурилиш бўлими бошлиғи, лойиҳалаштириш соҳасида иш тажрибаси беш йилдан кам бўлмаган;**

**етакчи бухгалтер, иш тажрибаси уч йилдан кам бўлмаган, «1С Бухгалтерия» дастурида ишлашни биладиган.**

**Бизнинг манзил: 100011, Тошкент ш., Шайхонтоҳур тумани, А. Навоий к., 14-«А» уй, 4-қават (241-АТС биноси). Телефон: 241-60-56.**

1761Й/1852

**ООО "Росагропромснаб" предлагает:**

**СЧЕТЧИКИ ГАЗА**

**ультразвуковые "Гобой-1"**

**Цена - от 1 365 000 сум.**




| Ду, мм | Типоразмер | Мин. расход, Qмин, м$^3$/час | Максим. расход, Qмин, м$^3$/час |
|---|---|---|---|
| 25 | G10 | 0,16 | 16(25) |
| 40 | G25 | 0,40 | 40(65) |
| 65 | G65 | 1,00 | 100(160) |

На все поставляемые товары имеются сертификаты соответствия. Гарантийный срок на продукцию - 12 месяцев со дня установки. Отдельно предприятие поставляет фильтры различных диаметров.

Товар сертифицирован

**Т./ф.: 273-16-40, 276-90-57, 276-97-90**

Адрес: г. Ташкент, Чиланзар, кв-л Ц, д. 6 (ор-р - перекресток "Шухрат")

«ХАЛҚ СЎЗИ»га ЭЪЛОНЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.

9.00 дан 18.00 гача

233-10-60
236-09-25
232-10-63

242-хона

E-mail: Xalk_suzi@rambler.ru

ЎЗБЕКИСТОН ЎСИМЛИКЛАРНИ ҲИМОЯ ҚИЛИШ ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТИ (ЎЎҲҚИТИ)

2009 йил учун қуйидаги ихтисослик бўйича аспирантурага ҚАБУЛ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ:

**Ўсимликларни ҳимоя қилиш мутахассислиги — 4 ўрин.**

Аспирантурага кириш учун ҳужжатлар эълон чиққан кундан бошлаб бир ой давомида қабул қилинади.

Манзил: Тошкент вилояти, Қибрай тумани, ЎЎҲҚИТИ, аспирантура бўлими. Телефонлар: 260-48-52, 260-48-53.

# ТУЗОҒИ

*... Матназар бобо кексайганида фарзанд кўрди. Уни еру кўкка ишонмай катта қилди. Емай едирди, ичмай ичирди. Мактабни битирган ўғли ўртоқлари билан чет элга чиқишни ихтиёр этганида Матназар бобо ёлғиз ўғлига ялиниб-ёлворди, қўй, чет элнинг боғу боғчасидан ўзимизнинг янтоғимиз афзал, деди. Аммо ўғил кўнмади, Россиянинг темир аравасидан олиб келиб сизни сайру саёҳат қилдираман, деди. Онасининг нолишлари ҳам муаллақ қолди.*

*Орадан олти ой ўтмасдан узоқ юртдан икки нафар мурда келди. Улардан бири Матназар бобонинг еру кўкка ишонмаган якка-ю ёлғиз ўғли эди. Онаси бу хабарни эшитибоқ жон берди. Матназар бобо ҳар иккаласини ўғли ваъда қилган темир аравада эмас, тобутда қабристонга элтиб қўйди. Она-боланинг худойиси куни элу юрт Матназар бобони ҳам тупроққа топширди.*

сарфланган барча харажатлар қийматини «хўжайин»ларнинг тазйиқи остида товламачилик, куч ишлатиш орқали фоҳишалик йўли билан тўлашга мажбур бўладилар. Ёхуд савдо-сотиқ учун чет эл сафарларига чиқадиган ва асосий даромад манбаларини турли давлатлардан келтирадиган товарлар орқали топувчи аёллар ҳам одам савдоси жабрланувчисига айланиб қолишлари хавфи бор.

Тезкор гуруҳ Тошкент аэропортида Людмила Пакни далилий ашёлар билан қўлга олди. У Бектемир тумани Сувсоз даҳасида яшовчи, ҳали вояга етмаган Алфия Зарифуллина ҳамда Қўйлиқда истиқомат қилувчи Оля Кимни Россия Федерациясининг Хабаровск шаҳрига алдов йўли билан фоҳишалик учун юбораётган экан. Олиб борилган дастлабки суруштирувлардан маълум бўлдики, Людмила Пак бундан аввал ҳам бу иш билан шуғулланган ва мўмайгина даромад олган. Жумладан, у ўтган йили Руфина, Наргиза ва Ирина исмли қизларни Уссурийск шаҳридаги одамфурушларга сотган.

Сурайё Насриддинова ҳам одамфурушлик даромадидан мазахўрак бўлган. У Сирдарё вилояти Оқолтин туманида яшовчи йигирма ёшли Ойсулувга чет элдан иш ваъда қилди. Ваъдасининг устидан чиқди ҳам. Ойсулув Дубайга келиб шаҳарнинг гўзаллигидан оғзи очилиб қолди ва ичида Сурайё опасига тасаннолар айтди. Дубайда уни кутиб олган киши эса Ойсулув учун Сурайёга уч минг АҚШ доллари тўлаганлигини, энди у ўзининг оқсочига айланганлигини айтганида дод солиб йиғлади. Аммо осмон йироқ, ер қаттиқ эди. У уч йил ҳақоратнинг, таҳқирнинг, калтакнинг зарбига чидади, очликка, юпунликка кўникди, аммо Ватан соғинчи, ўз эли одамларининг отащдай меҳр-муҳаббатини қўмсаш ташналигига бардош бера олмади. Дубайдаги меҳмонхоналарнинг бирида Сурайёнинг жони узилди. Ўн гулидан бир гули очилмаган Сурайёдан бу дунёда ҳеч нарса қолмади. Тани совуган ўзбек қизининг ёстиғининг остидан ҳасрат ва қайғу-алам билан битилган бир дона кундаликкина чиқди, холос... Кундаликнинг ичида эса... титилиб кетган ЎЗБЕКИСТОН ХАРИТАСИ ҳам бор эди.

Афсуски ҳали-ҳануз ёшларни алдаш давом этмоқда. Айрим ҳавойи ўспиринлар, ёш қизлар чет элга чиқиб ишлаш, жонини оғритмасдан мўмай даромад топиш орзуси билан яшамоқда. Одамфурушларнинг ваъдалари гоҳи-гоҳида уларни чалғитмоқда, аниқроғи, ҳеч нарсани кўрмаган ва билмаган ёшларни бу алдовлар оҳанрабодай ўзига тортмоқда. Бугун одамфурушлик ови дунёни тутган. Бу овнинг асосий қуроллари эса ўғирлик, фирибгарлик, алдов, ҳокимиятни суиистеъмол қилиш, куч ишлатиш ва таҳдид қилишдан иборатдир. Токи биз ўз миллатдошларимизга, элатдошларимизга, жамики юртдошларимизга бефарқ ва беэътибор юрар эканмиз, бу овнинг қурбонлари кун сайин кўпаяверади.

Бус-бутун оила одамфурушликнинг қурбонига айланди. Ахир, ёшларни алдаб чет элларга сотаётганлар кимлар? Бегоналарми? Йўқ, улар сизу биз билан ёнма-ён, девор-дармиён яшайди, ўзбекча гапиради, тўю маъракаларда ёнингизда бел бўлиб туришади, секин-секин ичингизга кириб, сирингизни ўғирлашади. Аввал сирингизни, бора-бора ўғил-қизингизни ўғирлашади.

— Кейинги пайтда одам савдоси қурбонлари хусусида оммавий ахборот воситаларида кўплаб чиқишлар қилинмоқда, — дейди Навоий педагогика институти қошидаги академик лицей ўқитувчиси Шарофат Ҳотамова. — Яқинда телевизорда ҳам чет элда хўрланган бир қизнинг суҳбатини беришди. Қиз алдовларга учиб, ёмон одамларнинг тузоғига тушиб қолганлигини, осон даромад топиш истагида чет элга чиқиб, бегона кимсалар қўлида хўрланган ва зўрланганлигини, икки йил тўрт девор ичида тутқунликда сақланганлигини, айрим ташкилотларнинг ёрдамида жони омон қолганлигини айтиб зор-зор йиғлади. Одамларни, айниқса ёшларни, аёлларни ҳушёрликка чақирди, она-юртдан кўра иссиқ ва меҳрли гўша топилмаслигини бот-бот такрорлади. Чет элда уни ҳимоя қиладиган давлат ҳам, жонига аро кирадиган яқинлари ҳам йўқ эди. Аммо ўша қиз экранга чаппа қараб айтди бу гапларни. Ҳа, у одамларнинг юзига қарай олмади. Ҳар кимники юртдошларининг, миллатдошларининг юзларига тик боқиш журъатидан мосуво этмасин экан...

Тузоқдан бир марта қўрққан қуш қирқ йилгача айри ёғочга қўнмайди, дейдилар. Фарзандларимизга қўйилган тузоқ ва сиртмоқлар бизнинг ҳам кўзимизни очиши керак! Улар озод ва обод юртимизда ўқиши, дунёвий илмларни ўрганиши, қонунларимизни чуқур билиши, ўз ҳақ-ҳуқуқларини англаши ва пировардида шу Ватанга, аждодларига муносиб ворис бўлиб етишишлари шарт. Негаки, бизда инсон шаъни, қадр-қиммати ва бошқа дахлсиз ҳуқуқлари Конституциямиз ва қонунларимиз билан тўла кафолатланган. Айниқса, ёшларимизга бўлган эътибор янада кучли. Ахир бизнинг мақсадимиз ғайратли, шижоатли, юрти ва миллатига садоқатли ёшлар билан буюк давлат барпо этишдир. Мамлакатимиз Президенти таъкидлаганидек, "Буюк давлатнинг одамлари, энг аввало, эркин ва озод бўлиши, уларда миллий ғурур доимо жўш уриб туриши, Ватан туйғуси ҳар бирининг юрак-юрагидан жой олиши керак".

**Алишер БОЛИЕВ.**

Корхона ва ташкилотлар диққатига!

Ўзбекистонда БМТ Ривожланиш дастури ОИТСга қарши кураш бўйича Глобал жамғармаси лойиҳаси

**ҚУРИЛИШ-ТАЪМИРЛАШ ИШЛАРИ БЎЙИЧА ТЕНДЕР ЭЪЛОН ҚИЛАДИ.**

1. Тендер предмети.

   **Тендер № ITB/009/08.**

   Республика ОИТС маркази иш фаолияти, моддий-техника базасини яхшилаш, ОИТС билан касалланган шахсларга тиббий ёрдам кўрсатишни янада мукаммаллаштириш мақсадида Тошкент шаҳри, Фарҳод кўчаси, 12-уйда жойлашган Республика ОИТС маркази биносининг 2-3-қаватларида қурилиш-таъмирлаш ишларини бажариш кўзда тутилмоқда.
2. Тендер комиссияси органи номи ва манзили: Ўзбекистонда БМТ Ривожланиш дастури, Глобал жамғармаси лойиҳаси, Тошкент шаҳри, Т. Шевченко кўчаси, 4-уй.
3. Таклифлар бериш учун сўнгги сана — **2008 йил 12 декабрь Тошкент вақти билан 11.00 гача.**
4. Қўшимча маълумот: қизиқиш билдирган ташкилотлар тендер ҳужжатларини тўлиқ ҳолда интернетдаги http://www.undp.uz/procurement/ манзилидан кўчириб олишлари мумкин.

Хизматлар юзасидан қўшимча маълумотлар олиш учун масъул шахс — Акмал Топиволдиев, харид қилиш бўйича ассистент. Телефонлар: (99871) 140-06-80, 140-06-81. Факс: (99871) 140-06-82. E-mail: akmal.t@gfaids.uz

Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси жамоаси Ўзбекистон халқ шоири, "O'zbekiston" телерадиоканали" ДУК директори Хуршид Давроновга волидаи муҳтарамаси

**ФУЗАЛЛО аянинг**

вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Тошкент автомобиль ва йўллар институти жамоаси Ўзбекистон тарихи ва сиёсатшунослик кафедраси мудири, доцент Лола Бабаходжаевага падари бузруквори

**Марат БАБАХОДЖАЕВнинг**

вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Акциядорлик тижорат «Пахта Банк" жамоаси банкнинг Қорақалпоғистон Республикаси Бошқармаси бошлиғи Бердах Сапаровга отаси

**Сейтмурат САПАРОВнинг**

вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Иқлим



## Қишнинг ҳам ўз таровати бор

***Ўлкамизга қишнинг биринчи ойи ҳам кириб келди. Йилнинг бошқа фасллари қатори табиатнинг бу мавсуми ҳам ўзига хослиги билан ажралиб туради.***

Ҳозир қавс айни авж палласига кираётган маҳал. 21 декабрга бориб, у ўз ўрнини жаддига бўшатиб беради. Бу сўз асли арабчадан олинган бўлиб, унинг форсча шакли "бузғола", ўзбекчаси эса "тоғ эчкиси" дея юритилади.

Маълумотларга кўра, 22 декабрь йилнинг энг узун кечаси ҳисобланади ва у 17 соату 3 дақиқани ташкил этади. 22 декабрдан кейин аста-секин кун узая бошлайди.

Кўпни кўрган, деҳқончиликда суяги қотган кишилар яхши билишадики, келгуси йил ҳосили учун пухта замин яратишда айни куз-қиш фаслида бажариладиган юмушлар муҳим аҳамият касб этади. Чунки бу даврда далани шудгор қилиш, шўр ювиш ва маҳаллий ўғит билан тўйинтириш яхши самара бериши амалда ўз исботини топган. Зеро, ернинг шўрини ювишда қавс сувига етадигани йўқ, у заминга малҳамдир, деб бежиз айтилмаган. Қолаверса, "Қиш фасли — иш фасли" дейилганда ҳам айни шу жиҳатлар назарда тутилади.

Хўш, қишнинг илк кунларида бизни қандай об-ҳаво кутмоқда? Келинг, республика Гидрометеорология хизмати маркази маълумотларига эътибор қаратайлик.

2-6 декабрь кунлари юртимизда ҳаво ўзгариб туради, ёғингарчилик кузатилмайди. Шарқдан секундига 7-12 метр тезликда шамол эсади. Ҳарорат кечалари 0-5 даража, кундуз кунлари эса 10-15 даража илиқ бўлади.

Мамлакатимизнинг тоғли ҳудудларида ҳам ҳаво ўзгариб туради, ёғингарчилик кузатилмайди. Ҳарорат кечалари 3 даража совуқ билан 2 даража илиқ атрофида, кундуз кунлари эса 3-8 даража илиқни ташкил қилади.

**Ш. ОРТИҚОВ.**

# КЕЛАЖАГИМИЗ ВОРИСЛАРИ

(Давоми. Боши 1-бетда).

Улар мактаб, дарслик билимидан бошқа ҳеч нарсага эга эмас эдилар. Шу боисдан ҳеч жойга ишга қабул қилинмас эди. Бугун касб-ҳунар коллежлари ёшларимизга бира-тўласига бир неча зарур замонавий касб-мутахассисликни бераяпти. Уларни ишга жойлаштириш тизими такомиллаштирилмоқда. Коллежлар атрофдаги мавжуд давлат ва хусусий ишлаб чиқариш корхоналаридан тушадиган буюртмалар асосида таълим-тарбияни шакллантирмоқда. Бизнес, тадбиркорлик билан шуғулланишни истаган ёшларга банклар орқали кредитлар ажратилиб, уларга яқиндан кўмаклашилмоқда. Бугунги касб-ҳунар коллежларининг битирувчилари иқтисодиётда, ишлаб чиқаришда, ижтимоий-маънавий ҳаётда ўз ўринларини дадил топмоқда.

Замонамиз таълимига хос яна бир муҳим янгилик: Ўзбекистонда ёш истеъдодлар, салоҳият соҳиблари тарбиясига давлат миқёсида алоҳида эътибор қаратилмоқда. Мустақиллик йилларида ёшларимизнинг қобилияти, интилиш ва ғояларини қўллаб-қувватлаш, уларнинг иқтидорларини намойиш қилиш мақсадида ёшлар ташкилоти, жамғармалар вужудга келтирилди. Ёшларнинг ҳаракатлари ва ғояларини рағбатлантириш учун турли грантлар, стипендиялар жорий этилмоқда. Иқтидорли қизларимиз парвози Зулфия номидаги Ўзбекистон давлат мукофоти билан рағбатлантирилаётир.

Хўш, таълим ва тарбияни ривожлантириш соҳасида давлатимиз миқёсида олиб борилаётган ишлар, ислоҳотлар қандай самаралар бераяпти? Мана, айрим далиллар. Мўйноқлик лицей ўқувчиси Алишер Санетуллаев 2000 йилда физика фани бўйича ўтказилган биринчи халқаро ўқувчи-ёшларнинг фан олимпиадасида бир йўла 3 та олтин медални қўлга киритди. Ангренлик Фаррух Қорабоев халқаро ёш математиклар олимпиадасида олтин медал билан тақдирланди. 2008 йилнинг май ойида Тошкентда ўтказилган ўқувчиларнинг 42-халқаро Менделеев олимпиадасида Ўзбекистондаги мактаблар, академик лицейлар, касб-ҳунар коллежларидан танлаб олинган 15 нафар ўқувчининг 13 нафари олимпиада медалларига сазовор бўлдилар ва ўнлаб хорижий давлатларнинг ўқувчилари орасида биринчи ўринни эгаллашди. Олимпиадада Украина ўқувчилари 2-ўринни, Россия ўқувчилари 3-ўринни эгаллашди. Ўқувчиларимизнинг бундай ютуғини бир замонлар фақат орзу қилиш мумкин эди, холос.

— Беллашувда Ўзбекистон жамоасининг биринчи ўрин олиши тасодиф эмас, — деди олимпиада якунига бағишланган тантанада Москва Давлат университети кимё факультети декани, академик В. Лунин. — Бу мамлакатда таълим соҳасида амалга оширилаётган кенг кўламли ва изчил ислоҳотларнинг самарасидир.



Олий таълим соҳасида ҳам мағрурлансак арзийдиган юқори салоҳиятли ёшларимизнинг сафи кун сайин кенгаймоқда. Ҳазорасплик физик талаба Давронбек Матрасулов мустақиллик даврининг ана шундай юксак камолотли ёшларидан биридир. Унинг фан номзодлиги учун ҳимоя қилган илмий ишининг салмоғи эътиборга олиниб, ёш олимга бира-тўласига докторлик даражаси берилди, илмий асарлари эса қатор хорижий давлатларда тарқалди, нуфузли Ғарб илмий марказларида у элементар зарралар, атом физикаси соҳасида янги саҳифалар очган олим сифатида эътироф этилди. Ёки 24 ёшли фан номзоди Ўткир Розиқов Япония ва Германияда энг нуфузли илмий кенгашларнинг аъзолигига сайланди. Оққан дарё оқаверади, дейди халқимиз. Бу етук ёшлар истеъдодида замонамиз хоразмийлари ва берунийлари қайтадан уйғонмаяптимикин? Бу борада шу кеча-кундузда рўй берган яна бир қувонарли янгиликни қаламга олмасдан ўта олмаймиз. Яқинда "Келажак овози" ёшлар ташаббуслари марказининг фаолларидан бири, "Интерхаус" академик лицейи ўқувчиси Малика Охунова ва Тошкент давлат Шарқшунослик институтининг талабаси Бобур Расулов дунёдаги энг иқтидорли деб эътироф этилган 60 нафар ёшлар қаторидан ўрин олди.

Мустақиллик даври Ўзбекистон ёшларини маънавий-интеллектуал камолотнинг ана шундай юқори халқаро довонларига кўтармоқда.

Мамлакатимиз ёшлари ўзларининг дунёда бошқа ёшлардан зиёд бўлса зиёдки, бироқ ҳеч кимдан кам эмаслигини мусиқа, тасвирий санъат, дизайн, модельерлик, ҳунармандлик каби йўналишлардаги халқаро форумларда ҳам яққол намоён этмоқдалар. Масалан, яқинда пойтахтимизда "Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми" жамғармаси ташаббуси билан аввал халқаро Дизайн ва мода ҳафталиги, ундан кейин "Подиум" халқаро танлови ўтказилди. Ана шу тадбирларда қатнашган ва қизларимизнинг коллекцияларидан завқланган, масалан, япониялик атоқли дизайнер Корио Суринатэ ЎзА мухбирига берган интервьюсида, жумладан, шундай дейди:

— Ёш ўзбек модельерларининг интилувчанлиги, изланувчанлиги, янгиликка ўчлиги баробарида ўз миллий қадрият ва анъаналарига юксак ҳурмати таҳсинга лойиқдир. Ёшларнинг ижоди ҳам давлат, ҳам "Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми" жамғармаси каби жамоат ташкилотлари томонидан қўллаб-қувватланаётганлиги уларга илҳом ва куч-ғайрат бағишлайди, албатта.

Шунингдек, Ўзбекистонда ёш ҳунармандлар эришаётган ютуқларни айтмайсизми?! Уларнинг ютуқлари мамлакатимизда анъанавий "Ташаббус" танловларида "Энг яхши ҳунарманд" фахрли унвони билан тақдирланаяпти. Ёшларнинг ишлари хорижий давлатлардаги кўргазмаларда юқори баҳоланиб, уларга буюртмалар кўпаймоқда. Ёш ҳунармандлар тарбиясида анъанавий уста-шогирдлик мактаблари сабоғи катта аҳамият касб этаяпти. Айни кунларда республикамизда 108 та "Уста-шогирд" мактабларида изчил фаолият олиб борилаяпти.

Ҳозирги ёш ҳунармандлар камолоти, ҳунармандлик санъати, табиийки, мустақиллигимизнинг неъматларидир. Мустақиллик миллий ҳунармандчиликни қайтадан уйғотди. Юртбошимизнинг оталарча эътибори ва ғамхўрлиги туфайли халқ ҳунармандлиги гуллаб-яшнади ва ҳаётимиз безагига айланмоқда.

Мамлакат иқтисодиёти ривожини ҳам ёшларимизсиз тасаввур этиб бўлмайди. Бугунги фермер кечаги деҳқондан юксак иқтисодий ва ҳуқуқий билими, халқаро тадбиркорлик ва бизнес тажрибаларидан чуқур огоҳ эканлиги билан яққол ажралиб туради. Бугунги ёшлар кўзни оладиган автомобиллар чиқармоқда. Газ-нефть маҳсулотлари билан юртни таъминламоқда. Айни пайтда, бу еростти неъматларидан халқаро андозалардаги полиэтилен маҳсулотлар тайёрлаб, хорижга экспорт қилмоқдалар. Ёшлар қурилиш материаллари, ўғит ишлаб чиқармоқда. Далаларда пахта, ғалла, сабзавот, мева етиштирилмоқда. Юксак замонавий билимли ва малакали, бир неча чет тилларни биладиган, компьютер техникаси ва технологиясини чуқур ўзлаштирган, мамлакат иқтисодиётини янги довонларга кўтариш йўлида фидойилик кўрсатаётган бу ёшлар ҳозирги ҳаётимиздаги ҳал қилувчи куч ва келажагимизнинг ҳақиқий эгаларидир.

Ёшларимизнинг тафаккури, онги, дунёқараши ва қалбига бир назар ташланг. Яқинда матбуотда парижлик 16 ёшли қиз банк ходимларига ҳужум уюштирганликда айбланиб қамоққа олинганлиги тўғрисида хабар эълон қилинди. "Ўз манфаатингни ўйла, шахсий фаровонлигингни яратишда барча воситалар ва йўллар ўзини оқлайди" деган, худбинликка асосланган дунёқараш ҳатто "ривожланган" деб ҳисобланувчи айрим давлатларнинг ёшлари руҳиятида ва маънавиятида ҳам ҳукмрон эканлиги ачинарли бир ҳолдир.

Бизнинг ёшларимиз ҳам ўз манфаатларини қадрлайдилар. Аммо бу манфаатлар Ватан, халқ манфаатидан айриҳолда эмас. Ўзбекистон ёшларининг дунёқарашида ватанпарварлик, халқпарварлик барқ уриб туради. Мана, шу маънодаги айрим фикрларга қулоқ тутинг: пойтахтлик ёш тадбиркорлардан Дилдора Авезованинг "Ташаббус-2008" кўрик-танлови якунидаги сўзидан:

*— "Энг яхши ёш тадбиркор" номинацияси бўйича ғолиб бўлдим. Энди бор куч-ғайратимни ва салоҳиятимни юртимиз номини дунёда кенгроқ ёйишга, иқтисодиётимизнинг янада гуллаб-яшнашига сарфлайман.*

*— Мен "Анора — соғлом авлод" кичик корхонасини йўлга қўйдим,* — деб ёзади таҳририятимизга йўллаган мактубида самарқандлик ёш тадбиркор Анора Эгамназарова. — *Корхонада 30 дан ортиқ хотин-қиз ҳунармандлик билан шуғулланишади. Тиккан миллий кийим-кечак буюмларимиз билан пойтахтда ўтказиладиган "Ташаббус", "Бозор-арт" халқаро кўргазмаларида тобора дадилроқ қатнашаяпмиз. Маҳсулотларимизга хорижий сайёҳлар ва тадбиркорлардан буюртмалар олаяпмиз.*

Самбо бўйича ёшлар ўртасида жаҳон чемпиони, Бухородаги Олимпиада захиралари спорт мактаби ўқувчиси Илғор Асадов чемпион бўлган пайтда журналистларга шундай интервью берди:

— Вилоятимизда спортга эътибор кучли. Ёшлар орасидан республика ва халқаро миқёсдаги чемпионлар етишиб чиқмоқда. Шахсан ўзим самбодан жаҳон чемпиони бўлганлигимдан хурсандман. Лекин самбо олимпиада ўйинлари дастуридан ўрин олмаганлиги сабабли ҳозир дзюдо билан шуғулланаяпман. Ниятим — яқин келажакда Олимпиада ўйинларида иштирок этиб, юртим шарафини ҳимоя қилишдир.

Бундай ёшларнинг борлиги — Ўзбекистонимизнинг бахтидир. Уларнинг сафи кенгайиб борар экан, Ватанимиз қудрати ҳам шу қадар ошиб бораверади.

**М. САФАРОВ.**

Спорт • Sport • Спорт

## БОКСЧИЛАРИМИЗ ҒАЛАБАСИ



Темур ҚУРБОНБОЕВ олган сурат.

***24-30 ноябрь кунлари Озарбойжон пойтахти Боку шаҳрида ҳарбий спортчилар ўртасида бокс бўйича 52-жаҳон чемпионати бўлиб ўтди. Мусобақада муваффақиятли иштирок этган Ўзбекистон терма жамоаси аъзолари кеча Тошкент халқаро аэропортида катта тантана билан кутиб олинди.***

Қувонарли жиҳати шундаки, жаҳон чемпионатида 11 вазн тоифасида иштирок этган боксчиларимиз 4 та олтин, 1 та кумуш ва учта бронза медали билан умумжамоа ҳисобида фахрли иккинчи ўринни эгалладилар. Биринчи ўрин Озарбойжон, учинчи ўрин эса Франция терма жамоасига насиб этди.

— Мусобақа юксак савияда ташкиллаштирилди,— дейди МҲСК катта мураббийси, майор Уйғун Сиддиқов. — Терма жамоалар таркибида Олимпиада ўйинлари ва жаҳон чемпионатлари совриндорлари қатнашганлиги боис, беллашувлар муросасиз ўтди. Ватанимизга ёруғ юз билан қайтдик.

Жаҳон чемпионатида боксчиларимиздан Тўлашбой Дониёров (54 кг.), Баҳодир Мамажонов (60 кг.), Бекзод Юнусов (69 кг.) ва Сардор Абдуллаев (+91 кг.) лар олтин, Шерзод Абдураҳмонов (81 кг.) кумуш, Шаҳриёр Исҳоқов (48 кг.), Рафиқ Султонов (51 кг.) ҳамда Улуғбек Холмуродов (64 кг.)лар эса бронза медалларини қўлга киритишди.

## ОСИЁ ЧЕМПИОНАТИ ОЛДИДАН



***Хабарингиз бор, футбол бўйича 2011 йилда бўлиб ўтадиган Осиё чемпионати саралаш босқич биринчи тур учрашувлари келгуси йилнинг 14 январь куни бошланади.***

Ўзбекистон терма жамоаси "С" гуруҳида Малайзия ва Бирлашган Араб Амирликлари футболчилари билан финал босқичига чиқиш учун кураш олиб боради. Ушбу гуруҳдан Ҳиндистон терма жамоаси ҳам ўрин олган эди. Бироқ, улар ОФК чақирув кубогида зафар қучишгани боис, Осиё чемпионатининг финал қисмига тўғридан-тўғри йўл олишди. Қолган гуруҳлар қуйидагича кўриниш олган: **"А" гуруҳи:** Япония, Баҳрайн, Гонконг, Яман. **"В" гуруҳи:** Австралия, Индонезия, Уммон, Кувайт. **"D" гуруҳи:** Вьетнам, Хитой, Сурия, Ливан. **"Е" гуруҳи:** Эрон, Таиланд, Иордания, Сингапур.

Мусобақада муваффақиятли иштирок этишни мақсад қилиб қўйган Миржалол Қосимов бошчилигидаги Ўзбекистон терма жамоаси 18-29 декабрь кунлари Исроилда ўқув-йиғин машғулотларини ўтказади. Ҳозирда терма жамоа мураббийлар штаби Исроилдаги йиғинга жалб этиладиган таркиб борасида иш олиб бормоқда. Машғулот давомида ўртоқлик учрашувлари ўтказиш ҳам режалаштирилган.

**«С» гуруҳи саралаш учрашувлари тақвими:**

1 тур. (2009 йил, 14 январь). Малайзия — БАА
2 тур. (2009 йил, 28 январь). БАА — **Ўзбекистон**
3 тур. (2009 йил, 14 ноябрь). **Ўзбекистон** — Малайзия
4 тур. (2009 йил, 18 ноябрь). Малайзия — **Ўзбекистон**
5 тур. (2010 йил, 6 январь). БАА — Малайзия
6 тур. (2010 йил, 3 март). **Ўзбекистон** — БАА.

## Курашчиларимиз Эронда

***4-5 декабрь кунлари Эрон давлати пойтахти Теҳронда ўзбек спорти — кураш бўйича навбатдаги Осиё чемпионати бўлиб ўтади.***

Чемпионатда Нурбек Арашов (66 кг.), Зафар Йўлдошев (73 кг.), Ҳамро Пиримқулов (81 кг.) ва Ботир Қобулов (100 кг.)лар юртимиз шарафини ҳимоя қиладилар.

**Зиёдулла ЖОНИБЕКОВ.**

## «Камолот»нинг шахмат тахтаси»

***Урганч шаҳрида "Камолот"нинг шахмат тахтаси" — ўсмирлар ўртасида ўтказиладиган мамлакат биринчилигининг вилоят босқичи бўлиб ўтди.***

Мусобақада Хоразм вилоятининг шаҳар ва туманларидан 14 ёшдан 18 ёшгача бўлган 40 нафардан ортиқ йигит ва қиз ўзаро куч синашди.

Ғолиблик Урганч олимпия захиралари коллежи ва унинг қошидаги мактаб-интернат ўқувчиларидан 4 нафарига насиб этди.

Энди улар Сирдарё вилоятининг Гулистон шаҳрида ўтказиладиган финал мусобақаларда вилоят шарафини ҳимоя қиладилар.

**Ойбек РАҲИМОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**




OOO "CHIRCHIQ TEPLO SYSTEM"
ИСИТИШ СУВ ҚАЙНАТИШ
ҚОЗОНЛАРИ
Хавфсиз автоматика билан таъминланган
МОДУЛЛИ ИСИТИШ БЛОКЛАРИ
Табиий газ, суюқ ва қаттиқ ёнилғи билан ишлайди
маҳсулот сертификатланган
Чирчиқ шаҳри, Кангли кўчаси, 16-«А».
Т/ф. 8 (370 71) 5-61-73, 5-40-62, т/ф. 5-59-87, 314-59-87.
E-mail: chts.uz@mail.ru

Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 1156. 25237 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2

ТЕЛЕФОНЛАР:
Девонхона 233-52-55;
Котибият 233-10-28; Эълонлар 236-09-25.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда операторлар Жамшед Тоғаев ва Муҳаммадали Бегмуратов томонидан саҳифаланди.

t -Тижорат материали

МАНЗИЛИМИЗ:
100000, ГСП,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Навбатчи котиб — А. Орипов.
Навбатчи муҳаррир — М. Холматова.
Навбатчи — З. Худойшукуров.
Мусаҳҳиҳ — Ш. Машраббоев.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎзА якуни — 21.20 Топширилди — 22.00 7